



Changes in the electrification of the Uzbek SSR during World War II

Soibjon KHOSHIMOV ¹, Nargiza DADAJONOVA ²

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2025

Received in revised form

15 August 2025

Accepted 25 August 2025

Available online

15 September 2025

Keywords:

World War II,
industry,
evacuation,
electrification,
hydroelectric power station,
national economy,
plant,
factory,
Syrdarya.

ABSTRACT

This article, based on new data, illuminates the achievements in the field of electrification in Uzbekistan during World War II, focusing on newly constructed power plants and their role and importance in the republic's national economy.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss8/S-pp121-124>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССРни электрлаштириш соҳасидаги ўзгаришлар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Иккинчи жаҳон уруши,
саноат,
эвакуация,
электрлаштириш,
гидроэлектрстанция,
халқ хўжалиги,
завод,
фабрика,
Сирдарё.

Мазкур мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда электрлаштириш соҳасида эришилган натижалар, қурилган янги электростанциялар ва уларнинг республика халқ хўжалигида тутган ўрни ва роли масалалари янги маълумотлар асосида ёритилган.

¹ Doctor of Historical Sciences, Professor, Andijan State University

² Doctoral student, Andijan State University

Изменения в электрификации Узбекской ССР в годы Второй мировой войны

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Вторая мировая война, промышленность, эвакуация, электрификация, гидроэлектростанция, народное хозяйство, завод, фабрика, Сырдарья.

В статье рассматриваются результаты, достигнутые в области электрификации Узбекистана в годы Второй мировой войны, вновь построенные электростанции и их место и роль в народном хозяйстве республики на основе новых данных.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон СССРнинг арсеналига айланган эди. Ўзбекистон ССРнинг урушга қадар тинч мақсадлар учун ишлаётган саноат корхоналари қисқа муддат ичида ҳарбий техника, қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантирилди. Натижада, Ўзбекистон ССРда 1941 йилнинг декабрига келиб Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги бошқа 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари бера бошлади [1.440]. Улар орасида “Тошқишлоқмаш”, паровоз таъмирлаш заводлари, Чирчиқ электрокимё комбинати ва бошқа корхоналар бор эди. Ҳатто тўқимачилик ва тикувчилик саноати ҳам фронт эҳтиёжларига хизмат қилишга киришди.

Урушнинг дастлабки йилидаёқ Ўрта Осиё республикаларига Иттифоқнинг марказий районларидан 308 та завод ва корхоналар олиб келинди. Жумладан, Ўзбекистонга 104 та завод кўчириб келтирилди. Келтирилган корхоналарни ниҳоятда қисқа муддатларда ишга туширишга эришилди [1.440]. 1941 йил охиригача кўчириб келтирилган корхоналарнинг тенг ярми ишга туширилди, қолган қисми 1942 йил бошларидан фронт эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Шундай шароитда биринчи навбатда турган масала мудофаа саноат корхоналарини зарур бўлган ёқилғи, электр қуввати ва металл билан таъминлашдан иборат бўлди. Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат корхоналарининг қурилиши билан бирга республикада энергетика базасини кенгайтириш масаласи жиддийлашди. Бу масалани ҳал қилиш учун Тошкент областида 6 гидроэлектростанция, Фарғона водийсида иссиқлик электростанцияси қуриш режалаштирилди. Гидроэлектростанциялардан 5 таси Чирчиқ ва Бўзсувда ва биттаси Бекобод районида Сирдарёни бўғиш йўли билан қурилиши керак эди [2.451]. Бу станция Фарҳод электростанцияси номини олди.

Мазкур станциялардан Оқтепа станцияси 1943 йил январидан, I-Оққовоқ ва I-Салор ГЭСлари 1943 йилнинг мартида, III-Оққовоқ ГЭСи шу йилнинг сентябрида, II-Қуйи Бўзсув ГЭСи ўша йилнинг ноябрида ишга тушди. Уларнинг ҳар бири бир неча минг от кучига эга эди [2.452]. Станциялар асосан Тошкент область колхозчилари, ишчилари ва шаҳар аҳолиси кучи билан қисқа муддатда қурилди. Юқоридаги ГЭСларнинг тез фурсатларда қурилиб ишга турилиши натижасида 1942-1943 йилларда Ўзбекистон ССРда электр энергиясини ишлаб чиқариш 4 баравар кўпайишига олиб келди [3.59].

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленуми “Фарходстрой” қурилишининг 1943 йил кузги режа топшириқларини бажаришга

ёрдам кўрсатиш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, қурилиш суръатларини ошириш масаласини қўйди, барча ҳукумат идораларига гидроэлектростанция қурилишига ҳар томонлама ёрдам бериш, уни ишчи кучлари ва зарур материаллар билан таъминлашни топширди.

Фарҳод ГЭС қурилишига республиканинг ўзида 8 минг кубометрдан кўпроқ ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари, 800 тонна металл, 110 мингдан ортиқ ҳар-хил асбоб-ускуна, транспорт воситалари ишга солинди. Бундан ташқари, республика меҳнаткашлари бу умумхалқ қурилишига 300 вагондан кўпроқ ҳар-хил қурилиш материаллари юбордилар. Кўрилган тадбирлар, Фарҳод ГЭС ишчиларининг қаҳрамонона шижоати ва меҳнати туфайли Сирдарёни жиловлаш жуда қисқа муддатда 10 ойда амалга оширилди, ҳолбуки одатда бундай ишлар 2-3 йилга чўзиларди. Фарҳод ГЭСни бунёд этиш умумхалқ ҳашар йўли билан бошлаб юборилди. Фарҳод ГЭС қурилишида Андижон область ёшларидан 5000 киши фаол меҳнат қилди [4.8]. Тошкент областидан эса бу ГЭС қурилишига 11 000 колхозчи[5.52], Бухоро области меҳнаткашларидан 10600 киши қатнашдилар [6.64]. Фарҳод ГЭСининг қурилишида Қорақўл, Вобкент, Ромитон, Кармана ва Когон райони вакиллари фаол меҳнат қилдилар. Наманган областидан 9500 киши қатнашди[7.149]. ГЭС қурилишида 1943 йилнинг январ-ноябр ойларида чустликлардан 1655 кишилик 18 бригада иштирок этди. Шулар орасида М.Саидова бошлиқ 30 нафар қиз-жувонлар ҳам бор эди. Чуст туманидан Фарҳод ГЭСи қурилишига борган М.Мўйдинов гуруҳи кунлик топшириқларни 700-800 фоизга бажардилар. 24 кишилик М.Устабоев бош бўлган гуруҳ эса кунлик вазифаларини 500-600 фоизга етказиб бажаришди. 1943 йилнинг март ойида Фарҳод ГЭСи қурилишининг Чуст участкасидаги колхозчилар энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун қурилишнинг кўчма “Қизил Байроғи”ни ҳам олиш шарафига муяссар бўлишди[8.108].

Ўзбек халқи урушнинг машаққатли йиллари бўлишига қарамай Сирдарёда 136 квт соат қувватга эга бўлган Ўрта Осиёда энг катта тўрт агрегатли Фарҳод ГЭСини қуришга киришганди. 1943 йили бошланган Фарҳод ГЭС қурилиши иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ҳам давом этган. Фарҳод ГЭСининг икки агрегати (биринчи навбат) 1946 йилнинг февраль ойида ишга тушган. ГЭСнинг қурилишда маҳаллий аҳолидан ташқари япон ҳарбий асирлари ҳам жалб этилди. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Фарҳод ГЭС қурилишида жонбозлик кўрсатгани ва қаҳрамонона меҳнати учун 500 киши Иттифоқнинг ордени ва медаллари билан мукофотланди[9.467].

Фарҳод ГЭСининг қурилиб ишга туширилиши кимё саноатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди, бошқа бир қанча корхоналарни ҳам электр энергияси билан таъминлаш ишларини анча яхшилади ва кўмир саноати ҳамда рангли металлургия саноатини ривожлантириш учун туртки бўлди. Шу билан бирга, Фарҳод ГЭСининг қурилиши билан бирга ишончли сув иншоотлари қуриш йўли билан Мирзачўл ерларини оқин сув билан суғориш имконини бердики, бу Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг Мирзачўл ва Далварзин чўлларидаги 600 гектар ҳосилдор ерларни ўзлаштиришга имкон берди[10.101].

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Фарҳод электростанцияси жуда катта кучга эга бўлиб, ўша вақтларда СССРда мавжуд бўлган энг катта электростанциялардан бири бўлиши керак эди. Фарҳод электростанциясида ер қазилари 1943 йилнинг январида бошланди. Сталинград шаҳрида тарихда мисли кўрилмаган энг оғир урушлар давом этаётган пайтда Ўзбекистон ССРнинг барча областларидан 70 минг киши Бекобод шаҳарчасига келди. Ўзбекистон

колхозчилари, ишчилари ва хизматчилари Фарҳод электростанцияси қурилишига қатнашишни жангларида қатнашгандай энг шарафли ватанпарварлик иши деб ҳисобладилар. Бутун уруш йилларида Фарҳод электростанциясида қурилиш ишлари давом этди. 1948 йилга келиб у бутунлай битиб ишга тушди.

Умуман Ўзбекистон ССРда иккинчи жаҳон уруши кетаётган бир даврда, 1942 йил 5 та, 1944 йили эса 4 та гидроэлектростанция қурилди. 1944-1945 йилларда Товоқсой, Оқтепа, Оққовоқ, Қибрай, Солар, Қуйи Бўзсув, Наманган ва бошқа гидроэлектростанциялар каскадлари қурилиб ишга туширилди, натижада Ўзбекистонда электр энергия ҳосил қилиш 1940 йилдаги 482 млн.кв соатдан 1945 йилда 1.187 млн. кв соатга кўпайди[11.62-63]. Бу станциялар қурилиши билан республикада гидростанциялар салмоғи 40 фоиздан 85 фоизгача ошди. Ўзбекистон ССР йирик гидростанциялар республикасига айланди. Шу билан бир қаторда уруш йилларида республиканинг бошқа шаҳарларидаги электростанциялар фаолияти ҳам анча кенгайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ортиши ва бу даврда республикада қурилган кўплаб электростанциялар, уларни қуришда ўзбекистонликларнинг кўрсатган меҳнат жасоратлари иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбек тилида чоп этилган фронт газеталари саҳифаларидаги хабарлар ҳамда мақолаларда ўз вақтида атрофлича ёритиб борилган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Ғуломов Я.Ғ., Набиев Р.Н., ВАҳобов М.Ғ. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик). –Тошкент: Фан, 1958.
3. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. –Ташкент: Фан, 1966.
4. Пўлатов И. Улуғ ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1967.
5. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2145-иш.
6. Мирзақулов Б. Бухоро вилояти уруш йилларида (1941-1945). – Тошкент, 2020.
7. Ғаффоров Ф. Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар: Наманган давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда ўтган илмий конференция материаллари. –Наманган, 1996.
8. Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўраҳон Муҳаммад Ҳофиз ўғли. Чуст тарихи.-Чуст: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1995.
9. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). –Андижон: Andijon nashriyoti, 2004.
10. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. – Тошкент: Фан, 1974.
11. ЎзР ПАА, 58-фонд, 19-рўйхат, 86-иш.